Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 101 (4499).
6 МАЙ 1981 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳридаги Ҳалқаро музика фестивалининг қатнашчилари ва меҳмонларига табриги эълон қилинган. «Москва учрашуви маданият усталарининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда унутилмас босқич бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ. Гўзал санъатингиз бобида, ялпи тинчлик йўлидаги олижаноб фаолиятингизда чин кўнгилдан муваффакият тилайман», — дейилади жумладан табрикда.

◆ 5 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов Англия—Америка «Пергамон пресс» нашриётининг президенти Роберт Масквеллни қабул қилди. Халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик масалаларига бағишланган суҳбат бўлиб ўтди.

◆ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 5 май куни расмий визит билан СССРга келган БМТ Бош секретари Курт Вальдхайм билан суҳбатлашди. А. А. Громико билан К. Вальдхайм ҳозирги халқаро вазиятга тааллуқли кўп масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

◆ 5 май куни Тошкентда СССР Фанлар академияси философия ва ҳуқуқ бўлими бюросининг сайёр мажлиси ўз ишини бошлади. Мажлисда мамлакатнинг етакчи жамиятшунос олимлари қатнашмоқдалар.

ДЎСТЛИК САФАРИ БИЛАН

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Воҳид Охунович Козимов бошчилигидаги Тошкент шаҳар Совети делегацияси Марокашнинг Марокаш шаҳрига жўнаб кетди. Мухбирларимиз В. О. Козимов билан учрашиб, ана шу бошланаётган сафарнинг мақсадлари ҳақида гапириб беришини илтимос қилишди:

— Икки мамлакат — Совет Иттифоқи ва Марокаш халқларини қадимий, мустаҳкам дўстлик алоқалари боғлаб турган бўлса, Тошкент ва Марокаш шаҳарлари эса мана бир неча йиллардан буён биродарлашиб келмоқда.

Бизнинг бу сафаримиз ўтган йили Ўзбекистон пойтахтига меҳмон бўлиб келган Марокаш шаҳри мэри Муҳаммад эль-Халифа бошчилигидаги делегациянинг сафарига жавобдир. Меҳмонлар ўша сафарда Тошкент билан, унинг тарихи ва келажаги, шаҳар транспорти ва уй-жой қурилишига оид кўпгина масалаларнинг ҳал этилиши, Тошкент шаҳар Советининг фаолияти билан танишдилар. Ўша сафар чоғида биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги алоқалар тинчлик, социал тараққиёт ва ҳамкорлик иши учун катта аҳамиятга молик эканлиги ҳақида дўстона фикрлашдик.

Марокаш шаҳри мэри Муҳаммад эль-Халифа шаҳримизда ўтказган сафари таассуротларига доир Тошкент радиоси мухбирига қуйидагиларни гапириб берган эди: «Ўзбекистонга шу жумладан Тошкентга ўтказган сафаримиз бизга ўзбек халқининг ютуқлари билан яқиндан танишиш имконини берди. Бизга ҳамма нарса ғоятда манзур бўлди. Архитектуранинг замонавий талабларига биноан шаҳарни планлаштириш, қурилишнинг кенг кўламда бораётганлиги, ободонлаштириш тўғрисидаги ғамхўрликлар яхши таассурот қолдирди. Тошкент — юксак маданият шаҳри, бизнинг сафаримиз унинг диққатга сазовор жойлари, ўзбек халқининг ҳаёти билан яқиндан танишиш имконини берди».

Бизнинг сафаримиз олдида ҳам Марокаш шаҳрининг турмуши, унинг ривожланиш истиқболлари, кишиларнинг ҳаёти билан яқиндан танишишдек вазифалар турибди. Делегациямиз состави Тошкент шаҳар Совети депутатлари Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари, Б. Ғ. Халилов ва «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси, Шоира Ҳолмуҳамедовал а р д а н иборат. Биз Марокаш шаҳрида етти кун бўламиз. Биз шаҳар меҳнаткашларига Тошкент ҳақида ҳикоя қилувчи буклетлар, фотосуратлар, шунингдек, «Шарқда шундай саҳоватли шаҳар бор» ҳужжатли фильмини олиб борамиз. Марокаш пойтахтида бўлишимизга доир программа ана шу шаҳар ҳақида фильмларни кўриш, фан, маданият, қишлоқ хўжалиги, уй-жой қурилиши ва бошқа соҳалар бўйича эришилган ютуқлар билан танишишдан иборат.

Бу сафаримиз ўзига хос катта аҳамиятга эга. Чунки, шу йилнинг ноябрь ойида Марокашнинг Касабланка шаҳрида биродарлашган шаҳарларнинг Ж жаҳон конгрессини ўтказиш белгиланган. Унда жаҳон халқлари ўртасида бирдамлик, яхши қўшничилик, ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш манфаатларини кўзловчи шаҳарлараро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини кўриб чиқади.

Тошкентда ҳам, Марокашда ҳам дўстона алоқалар, маданий муносабатларни янада ривожлантириш тўғрисидаги ҳамкорлик шартномаси имзоланади. Бу ҳужжат биродарлашган шаҳарлар аҳолисини иқтисодий ва маданий ютуқлар билан ўзаро таништиришда, Совет ва Марокаш халқларининг янада яқинлашувида, ер куррасида тинчликни сақлашдек саховатли ишда муносиб хизмат қилади.

А. ПЎЛАТОВ,
И. АЛИМОВ.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

Зарбдор меҳнат билан

КПСС XXVI съезди тасдиқлаган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да «Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ялпи ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи кўпайтирилсин» дейилади.

Ана шуни ўзига дастуруламал қилиб олган Тошкент керамика комбинати коллективи маҳсулот сифатини яхшилаш борасида тинмай изланиб келмоқда. Шунинг учун ҳам комбинатда ишлаб чиқарилаётган буюмлар — сопол пиёла, коса, ликопча, лаган, гулдон, турли хил кўзачалар ва бошқа буюмлар ўзининг чиройлилиги, нафислиги билан яқин кўзини қувонтиради. Улар фақат ўзининг нафислиги билангина эмас, балки ўзларида миллий ўзбек классик кулолчилигининг ўзига хос шакл ва сифатларини акс эттирганлиги, шу билан бирга замондошларимизнинг талабига жавоб берадиган даражада дид ва маҳорат билан ишланганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Комбинат коллективи КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этиб, коммунистлар анжуманини очиладиган кунгача икки ойлик топшириқни муддатидан илгари адо этган эди. Бу эса керамикачиларга квартал планни, қолаверса тўрт ойлик плани ҳам муддатидан илгари адо этиш, планга қўшимча бир неча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди.

Комбинатда меҳнат беллашуви тобора авж олмоқда. Корхона меҳнат аҳли йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун барча резервларни ишга солмоқда. Меҳнат беллашувида оммавий траж цехининг коммунист А. Акромов бошлиқ бригада коллективи пешқадамлик қилмоқда.

— Мен, — дейди бригадир, — КПСС XXVI съезди материаллари билан яқиндан танишиб чиқдим. Айниқса, менда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг съездда қилган Ҳисобот доклади катта таассурот қолдирди. Совет кишилари ўннинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаб, улкан режаларни белгилаб, ўн биринчи беш йилликка шаҳдам қадам қўйдилар. Биз съезд белгилаб берган вазифаларни сўзсиз амалга оширамиз...

Бригадирнинг сўзи иши билан бир эканлиги амалда исботланмоқда. Шу кунларда бригада коллективи 1982 йилнинг июнь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Шунингдек, бригада беш йиллик охиригача икки беш йиллик планни бажаришга азму-қарор қилган. Бу режани амалга оширишда бригада аъзолари В. Абдусаматов, М. Худойбердиев, Н. Қосимова, Н. Алимова смена топшириқларини 20—30 процентга ошириб бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

К. ОТАМУҲАМЕДОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

Тошкент пластмасса буюмлари ва уй-рўзғор химияси заводи коллективи аҳоли учун кўплаб кенг истеъмол буюмлари тайёрлаб бермоқда. Бу ерда полиэтилен плёнкалар, шу жумладан, турли рангдаги дастурхонлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТДА: клеёнкали дастурхонга гул босувчи Эркин Искандаров. У смена топшириқларини 120—130 процент адо этиб, сифатли маҳсулот тайёрламоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ЮКСАК СУРЪАТДА

Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 153-қурилиш трести бунёдкорлари шаҳримизнинг ўнлаб зарбдор объектларида меҳнат қилиб, янги ютуқларни қўлга киритишмоқда.

Беш йилликнинг дастлабки йили тўрт ойлик топшириқларини муддатидан илгари бажарган трест қурувчилари шу кунларда пойтахтимизнинг кўплаб ишга туширилади ган объектлари — мактаблар ва болалар боғчалари қурилишини авж олдиришмоқда. Трест меҳнат коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада кўплаб ишга тушириладиган объектлар қурилишини олиб бораётган 12-бошқарма бинокорлари ҳам яхши натижаларга эришмоқда. Бошқарманинг Э. Винниксв бошлиқ сувоқчилар ва М. Файзиев бошлиқ мармар қопловчилар, О. Қодиров бошлиқ пардозчилар коллективлари доимо пардоз ишларини аъло сифатли бажаришга муваффақ бўлишмоқда.

Бу илғор бригадаларнинг эришаётган ютуқлари туфайли бошқарма ўтган тўрт ойда 600 минг сўмликдан кўпроқ қурилиш монтаж ва пардоз ишларини амалга оширди.

КОСМОСДАГИ ГЕОЛОГИК КУЗАТИШЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ер ҳақидаги фанлар бўлими, Ўзбекистон геология министрлиги, Ўзбекистон Тектоника секцияси, Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениеси чақирган анъанавий космик геология бўйича семинар-кенгаш ўз ишини тугатди.

Йиғилишда Ўрта Осиё геологиясини ўрганишда масофадан туриб тадқиқ қилиш методлари натижаларини қўллаш масаласи кенг кўламда муҳокама қилинади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ленин мукофоти лауреати И. Ҳ. Ҳамроев кенгашни кириш сўзи билан очиб, вазифалар халқ хўжалиги учун жуда муҳим эканлигини таъкидлади.

Семинар кенгашда Тошкент ва бошқа шаҳарлардан 30 дан ортиқ олим ва мутахассислар ўз докладлари билан қатнашдилар. Булар орасида геология-минералогия фанлари докторлари О. М. Борисов, Ф. Усмонов, Ш. Д. Давлатов ва бошқаларнинг Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиёда ер қобиғининг чуқурликдаги тузилишини билишда космик материалларнинг роли, бу маълумотларни анализ қилишда математик усул ва ҳисоблаш техникасининг аҳамияти, Ўрта Осиёдаги тектоник структураларни тиклаш ва улар билан фойдали қазилма конларининг боғлиқлигини аниқлаш каби мавзудаги докладлар алоҳида ўрин тутади.

Кенгаш қатнашчилари умумий дискуссия ва мунозаралардан сўнг келгусида қилинадиган ишларга доир қарор қабул қилдилар.

Э. ОТАҚУЗИЕВ,
геология ва геофизика институтининг илмий ходими.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Қорақалпоғистон автоном республикасидаги оҳактош запаслари битмас-туганмасдир. Орол бўйидаги бу хом ашё конларини ўрганиб чиққан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг олимлари шундай хулосага келдилар.

Султон Вайс тоғида Оқтов деган жой яқинидаги энг истиқболли конлардан бири ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Шу беш йилликда бу табиий хазина Қорақалпоғистон индустриясини, қўшни областларни оҳак билан таъминлаб туради. Етқизила бошлаган темир йўл конни республиканинг саноат марказлари билан боғлайди.

* * *

Фарғона область «Риштон» совхозининг пахта далалари ўртасида уйжой комплекси пайдо бўлди. Бунда қулай дам олиш хоналари, ўз-ўзига хизмат магазини (ундан энг зарур молларни харид этиш мумкин) медпункт ва болалар яслиси бор. Бу — донгдор деҳқон Мамадали Турдиев раҳбарлик қилаётган бригаданинг янги дала шийпонидир.

Бригада уйи ёнида ёрдамчи хўжалик бор. Бу ерда сигир-бузоқ, бир неча қўй, ўзтадан кўп товуқ боқилади.

Яқин фурсатда Риштон районидэги «Ўзбекистон 50 йиллиги» совхозида ҳамда «Коммунизм» колхозида шундай типдаги дала шийпонларини қуриш мўлжалланади.

* * *

АНДИЖОН. Андижон область «Коммунист» газетаси ҳузуридаги ишчи ва қишлоқ мухбирлари университетини штатсиз мухбирлардан катта бир группаси совет матбуоти куни арафасида тамомлаб чиқди. Ишчилар, студентлар, колхозчилар, врачлар, қурувчилар ва бошқа касб вакиллари университетни тамомлаганликлари тўғрисидаги гувоҳномани олдилар. Шу билан университетни штатсиз мухбирлар 20-марта тамомлаб чиқди.

Университет ташкил топгандан буён ўтган йиллар мобайнида 600 дан ортиқ ишчи ва қишлоқ мухбирлари тайёрланди. Эндиликда улар Андижон области газеталари, телевидение ва радиоси редакциялари авторлар активининг асосини ташкил этмоқда.

МАТБУОТ КУНИГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон жамоатчилиги Совет матбуоти куннни кенг нишонлади. 5 май куни Тошкентда бўлиб ўтган танганали йиғилиш шонли санага бағишланди. Партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, газета ва журналларнинг, телевидение ва радио, нашриётлар ва полиграфия корхоналарининг ходимлари, ишчи ва қишлоқ мухбирлари Навоий номли давлат академик Катта театри залига йиғилдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров очди. Республика «Ленин байроғи» газетасининг бош редактори Т. Ш. Дагжи Совет матбуоти куни тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари ишонч билдириб айтдиларки, республика журналистлари, ноширлар ва полиграфиячилари КПСС XXVI съезди ларорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда қилган докладидаги қоидалар ва хулосаларда қўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзсовпроф раиси Н. М. Маҳмудова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

СУРАТЛАРДА: юқорида — миллий чолғу асбоблари фабрикасида бир неча йилдан буён баракали меҳнат қилиб, ҳамкасбларининг ҳурматини қозониб келаётган илғор ишчи Клара Содиқова акс этган; пастда — илғор новаторчи қизлардан С. Шамсутдинова, М. Шарипова, М. Қутбиева ва М. Ғаниева. Улар топширилган ишни муддатидан адо этиб, коллектив ютуғига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Х. Мирзакаримов фотоси.

▲ ПРАГА. Шу кунларда Прага, Братислава, Брно ва республиканинг бошқа шаҳарларида ташкил қилинган кўплаб кўргазмалар Чехословакия коммунистик партиясининг 60 йиллигига бағишланган. Фотосуратлар, ҳужжатлар, китоблар партиянинг ташкил этилиши, унинг босиб ўтган жанговар революцион йўли, коммунистларнинг фашизмга қарши олиб борган кураши тўғрисида ҳикоя қилади.

ЧКП билан КПСС ўртасидаги маҳкам интернационал алоқалардан далолат берувчи экспонатлар кўргазмада катта ўрин эгаллаган.

▲ ЛИССАБОН. Португалиянинг таниқли олими, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасидаги мутахассис Жозе Гашпар Тейсейра ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: «ядро можаросининг вужудга келиши бутун инсоният учун ҳалокат бўлар эди. Атом урушида голиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлмайди. Ҳозирги вақтда тўпланган шундай қурол ер цивилизациясини бир неча марта йўқ қилиб ташлаш учун етарлидир. Шу боисдан тинчлик, қуролсизланиш ва кескин. лиқни юмшатиш учун олиб борилаётган кураш ни кучайтириш тараққийпарвар кучларнинг барча холис ниятли кишиларнинг ғоят муҳим вазифасидир». Бу қуришда, деб таъкидлади у, фан арбоблари зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Улар қуроллаиниш пойгасини, аввало ялпи қирғин воситалари пойгасини қучайтириш ғоят ҳавфли эканлигини ҳаммадан кўра яхшироқ тушунадилар.

«КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг энг машҳур олимлар иштирокида махсус халқаро комитет тузиш тўғрисидаги таклифини сидқидилдан табриклаймаи. Ана шундай мўътабар орган ядро ҳалокатининг олдини олиш зарурлигини илмий негизда асослаб бериши ва ўз хулосалари тўғрисида бутун дунёга хабар қилиши мумкин эди».

▲ ҚОҲИРА. Дунёда нефть экспорт қилувчи энг катта давлат бўлган Саудия Арабистонида янги молия йили учун рекордли — қариб 90 миллиард доллар миқдорида давлат бюджети тасдиқланди. Бу эса шундан аввалги молия йилига нисбатан қариб 10 миллиард доллар кўпдир. Айни вақтда давлат хазинасига тушадиган маблағ бюджетнинг харажат қисмидан 13 миллиард доллар ошиб кетиши хабар қилинади.

ИЙЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

НОРМА — ИККИ БАРАВАР

БУГУН

кўн-галентерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари Анна Пузакова ва Нина Слученколар сентябрь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошладилар.

Ўн биринчи беш йиллик ва йиллик топшириғини бажариш ташаббусига қўшилган бу илғорлар кунлик топшириқларни икки баравар ошириб бажариш билан бир қаторда фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Корхонада бундай ишчилар кўпчиликни ташкил этади. Бичиш цехининг Эргаш Юсупов, Нина Заверилина, Сайёра Абдунабиева, кўн буюмлари тайёрлаш цехидан Зинаида Радаева. Маҳфуза Зоирова кабилар 1981 йилнинг ярим йиллик топшириқларини бажардилар.

Илғорларнинг фидокорона меҳнати туфайли комбинат шу кунгача 8 миллион 115 минг сўмлик кўн-галантерея ва спорт буюмлари тайёрлади. Бу пландагидан ярим миллион сўмлик кўп бўлиб, ўтган йилнинг тўрт ойлигида ишлаб чиқаришга маҳсулотнинг 130 процентини ташкил этади.

К. РИХСИЕВ.

Ким бўлсам экан?

КАСБ ТАНЛАШ ОЙЛИГИ ТУГАДИ

Шу кунларда шаҳримизнинг барча ўрта мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида ёш йигит ва қизларнинг касб танлаш ойлиги ниҳоясига етди. Тельман номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилган байрам Куйбишев райони ёшларининг касб танлашдаги ишларини умумлаштирди.

Бу ерда ҳунар-техника билим юртлари, мактабларнинг юзлаб ўқувчилари меҳнат ветеранлари, социалистик мусобақа ғолиблари, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди делегатлари билан учрашдилар.

Трактор заводининг созловчиси КПСС XXVI съезди делегати Т. Туропов ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати, экскаватор заводининг кранчилар бригадаси бошлиғи Т. А. Гавриловалар меҳнатни эъзозлаш, касбни тўғри танлай билиш, ўзи меҳнат қиладиган корхонада коллективни севиш ҳақида ёрқин мисоллар келтиридилар.

Бу ажойиб учрашувнинг қатнашчилари ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари тайёрлаган турли хил механизмлар, мураккаб деталлар, санъат асарлари намуналари билан танишдилар.

Тошкентдаги ҳунар-техника таълими маданият саройи бадиий ҳаваскорлари байрам қатнашчилари шарафига мароқли концерт беришди.

САМБОЧИЛАР БАҲС БОШЛАШДИ

▲ МАҲОРАТ САРИ ЯНА БИР ОДИМ ▲ ТОШКЕНТ ГИЛАМИДА МАМЛАКАТИМИЗ ТУРЛИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ВАКИЛЛАРИ БЕЛЛАШИШАДИ

Бугун «Меҳнат резервлари» спорт комплексида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг соврини учун совет халқининг Улуғ Ватан урушида қўлга киритган Буюк Ғалабасига бағишланган самбо кураши бўйича анъанавий ўн учинчи Бутуниттифоқ турнирига старт берилди.

Мутахассис ва турнир ташкилотчиларининг фикрига қараганда «оқшом» газеталарининг соврини учун ўтказилаётган бу беллашувлар ёш самбочилар учун ўз куч ва имкониятларини синовдан ўтказиш мактабини ўтамоқда. Тренерлар учун эса Тошкент гиламидаги ёш резервларни аниқлаш вазифасини бажаряпти.

Тажрибадан шу нарса маълум бўлдики, Тошкентда чиқадиган «оқшом» газеталарининг соврини учун ўтказилаётган турнир кўпгина спортчилар учун маҳоратни ошириш мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Турнир иштирокчиси бўлган спортчилар кейинчалик юксак натижаларни қўлга киритишяпти. Жумладан, москвалик студент В. Пашкин дастлаб шу турнирнинг ғолиби номини қўлга киритган эди. Кейин у мамлакат чемпиони бўлди, халқаро турнирда ғолиб чиқди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Беллашувларда фалқат спорт мастерлигига кандидатлар иштирок этишади. Шу боисдан ҳам турнир Низомида ёзиб қўйилган биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган қатнашчиларга «СССР спорт мастери унвони берилади» деган қоида уларни ҳамиша шиддатли кураш олиб боришга ундайди. Шундай, ҳар бир вазн тофасида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган спортчилар спорт мастери нормативини бажаришга муваффақ бўлишади.

Аваллари бўлганидек, Тошкент турнири спортчилар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳоратни ошириш, самбо курашини янада оммалаштиришга хизмат қилади.

Дастлабки маълумотларга қараганда Тошкентда чиқадиган «оқшом» газеталарининг совринни учун турнирда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган уч юзга яқин спортчи қатнашади. Харьковлик Бутуниттифоқ тонфасидаги судья Э. Полянский турнирнинг бош судьяси этиб тасдиқланди.

Ўз вазн тонфасида дастлабки икки ўринни эгаллаган қатнашчилар «Тошкент оқшоми»ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциялари, шаҳар физкультура ва спорт комитетининг дипломлари ва турли совғалар билан мукофотлан а д и л а р. Шунингдек, «Энг яхши техника учун», «Энг кўп қатнашчиси бўлган вазн тонфасида ғолиб чиққан спортчига», «Яхши натижа кўрсатган энг ёш қатнашчига» сингари махсус совринлар ҳам таъсис этилган.

Энди мусобақаларни ўтказиш тартиби ҳақида тўхталайлик 6—7 май кунлари 48, 57, 68, 82 ва 100 килограммгача оғирликдаги курашчилар беллашадилар. 8—9 май кунлари оғирлиги 52, 62, 74, 90 килограммгача ва 100 килограммдан зиёд бўлган самбочилар гиламга чиқишади.

Шундай қилиб турнирга бугун старт берилади. Биз унга оқ йўл тилаймиз.

СУРАТДА: ўтган йилги беллашувлардан бир лавҳа.

◆ **ФУТБОЛ.**

Навбатдаги турда

Кеча футбол бўйича СССР чемпионатининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Уз майдонида Минскнинг «Динамо» командасини қабул қилган «Пахтакор» яна мағлубиятга учради. Меҳмонлар киритган ягона тўп (Павлов) уларга ғалаба ва икки очко келтирди.

Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қайрат» — «Зенит» —1:1, АСК —«Динамо» (Тбилиси)—1:1, «Нефтчи» — «Арарат»—0:0, «Шахтёр» — «Кубань» —2:0, «Днепр» —«Таврия» — 2:2, «Черноморец» — «Торпедо»— 1:1, «Динамо»— (Киев)— МАСК— 0:0.

Чемпионатда етти учрашувдан сўнг 11 очко тўплаган Киев динамочилари пешқадамлик қилишмоқда. «Пахтакор» эса 3 очко билан сўнгги ўринни эгаллаб турибди.

МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ШАҲАР КОМИТЕТИ ҚОШИДАГИ ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИГА КЎМАКЛАШУВЧИ КЕНГАШДА

Яқинда Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитети секретари Б. Ғ. Халилов раислигида шаҳар партия комитети қошидаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашнинг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сергели район партия комитети қошидаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш янги техникани, илғор технологияни жорий этиш, саноат корхоналарида ёрдамчи ва асосий цехларни механизациялаш ва автоматлаштириш тадбирларини назорат қилиш бўйича амалга ошираётган ишлари масаласи қараб чиқилди.

Бу ҳақда маълумот берган Сергели район партия комитети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа бўлими мудири И. Пережогин шуни таъкидладики, фақат кейинги уч йил мобайнида фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш саноат корхоналарида ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини жорий этиш, районнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш бўйича талайгина ишларни амалга оширди.

Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш фаолиятининг муҳим томонларидан бири янги техникани, илғор технологияни жорий этиш масалаларида, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича тадбирларни амалга оширишда корхоналарга ёрдам бериш ва уни назорат этишга қаратилган.

Ҳозирги пайтда кўмаклашувчи кенгашда бешта комиссия ишлаб турибди. Булар ишлаб чиқариш жараёнларига янги техникани ва технологияни, автоматизацияни ва механизацияни жорий этилишини, маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий этилишини назорат этиш; меҳнатнинг янги ва илғор методларини жорий этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ҳаракат хавфсизлиги техникаси, ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича комиссиялардир.

Кенгаш йиғилишида қурилиш материалларни ва темир-бетон конструкцияларни комбинатида янги техника ва технологияни жорий этиш, СССР Транспорт қурилиши министрлигининг ремонт-механика заводида ишлаб чиқариш жараёнларига механизацияни ва автоматларни, фан ва техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш; граждан авиацияси ремонт-механика заводи коллективининг техника тараққиёти учун қураш соҳасидаги иш тажрибалари каби масалалар қараб чиқилди.

Кенгаш район корхоналарида меҳнатни механизациялаш, янги техникани жорий этишни тезлаштириш бўйича салмоқли ёрдам кўрсатди. Жумладан, «Ўзвторцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмасига кран хўжалиги ишини яхшилаш, печларнинг сув билан совутиш системасини такомиллаштириш бўйича салмоқли ёрдам кўрсатилди. Район мутахассислари ошхона мебеллари заводига Ватан ва чет эл ускуналарини, автоматик линияларни монтаж қилишда ёрдам беришди.

Райондаги корхона ва ташкилотларнинг янги техника ва технологияни жорий этиш, меҳнат жараёнларини механизациялаштириш бўйича энг яхши тажрибалари фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш томонидан районнинг бошқа коллективларида меҳнатни ташкил этиш ва жорий қилиш учун тавсия этилди.

Энг долзарб масалалар директорлар кенгаши ва район партия комитети бюроси мажлисида қараб чиқиш учун тавсия этилди. Фан ва техника тараққиётига кўмаклашувчи район кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар корхоналарда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги резервларни ишга солишга ёрдам беради.

Район индустрияси саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръати бўйича ўнинчи беш йиллик топшириғини муваффақиятли адо этди. 16 та механизациялашган, автоматлашган ва ярим автоматлашган линия, 2 мингдан ортиқ юксак унумли ускуна ўрнатилди. Фондлар самарадорлиги, станоклар ва ускуналардан фойдаланиш коэффициенти ортди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг учдан бир қисмига ўтган беш йилликда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш эвазига эришилди.

Шу билан бирга фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи район Совети ишида бир қатор нуқсонлар ҳам бор. Фан ва техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш етарли даражада фаол эмас, район мутахассислари диққат-эътиборини технологик ускуналардан тўлиқ фойдаланиш масалаларини ҳал этишга яхши қаратмаяпти. Корхоналарда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, асосий ва ёрдамчи участкаларни механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича тадбирлар ҳамиша ҳам ўз муддатида бажарилмайди. Шаҳардаги конструкторлик бюролари ва илмий ташкилотлар билан ижодий алоқалар ўрнатилмаган.

Тошкент шаҳар партия комитети қошидаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш уч ойлик муддатда райондаги саноат корхоналарида асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнларида автоматизация ва механизация воситаларини, меҳнатнинг илғор методларини жорий этишнинг аҳволини чуқур таҳлил этиб чиқишни тавсия этди. Шу асосда планлаштирилган маҳсулот ҳажми ўсишининг анчагина қисмига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилмоғи лозим.

Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи шаҳар кенгаши район кенгашларига ўз мажлисларида саноат корхоналари томонидан янги техникани жорий этиш, ишлаб чиқаришни қайта қуроллантиришни тезлаштириш, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнларида автоматларни ва механизацияни жорий этишни тезлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициентини ошириш масалаларини мунтазам муҳокама қилишни тавсия этди.

Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи шаҳар кенгашининг йилнинг II—IV кварталлари учун иш плани тасдиқланди. Унда жумладан, май-июнь ойларида кенгаш мажлисида «Узбектекстильмаш» бирлашмасида ишлаб чиқаришга ўзининг техник даражаси жиҳатидан энг яхши жаҳон намуналарига тенглаша оладиган ускуналарни жорий этиш бўйича; «Ташхимсельмаш» заводида эса ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш, иш жойларини қисқартириш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш бўйича амалга ошириладиган ишларни муҳокама қилиш кўзда тутилди.

Кенгаш ишида бундан ташқари Тошкент экскаватор заводида асосий ва ёрдамчи ишларда механизацияни жорий этиш тадбирлари тўғрисидаги, сут комбинати, булка-кондитер комбинати, «Ташкентхлеб» бирлашмаси, «Ўртоқ» кондитер фабрикасида реконструкцияни ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришни таъминлаш ва шу асосда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларини кўриб чиқилади.

Мукофот муборак!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун **мукофотлансин:**

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Мусаев Тўлаганбой Эргашевич — Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг пойафзал фрезерчиси.

Муталова Орзу Абдурахмановна— Табиий ипак етиштириш ва қайта ишлаш Марказий илмий-тадқиқот институтига қарашли ипак йигирув тажриба фабрикасининг ишчиси.

Муҳитдинов Сайфуддин— Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси.

Назипова Любовь Васильевна— Тошкент чарм-галантерия ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастер ёрдамчиси.

Раҳимов Маматвали — Тошкент тўқимачилик комбинатининг мастер ёрдамчиси.

Раҳимов Маҳамаджон Боқиевич — Тошкент чинни заводининг чинни буюмлар формаловчиси.

Рустамбекова Зироат Тоирбековна — Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

Снитченкова Эмма Васильевна — Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси.

Соломина Райса Степановна— Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг ишчиси.

Тўлаганов Ҳалил— Тошкент чинни заводининг ганч қолип қуювчиси.

Чикунова Валентина Корнеевна— Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг қўлда гул босувчиси.

Исаев Турсун Мусаевич— Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг ишчиси.

Камолова Галия Холиқовна— Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси.

Камолова Соня Гамзаловна— Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси.

Карапетов Геннадий Артёмевич — Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Каримова Гулчеҳра Муҳамедяновна — Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

Козелькова Лидия Григорьевна— Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Корчина Варвара Михайловна— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг қозонхона машинисти.

Аглиуллина Гулсия Насиповна— Тошкент тўқимачилик комбинатининг цех бошлиғи.

Куришева Людмила Никитична— республика пойафзал модалари Уйининг бош моделчиси.

Оллаёров Баҳор — Табиий ипак етиштириш ва қайта ишлаш Марказий илмий-тадқиқот институтига қарашли ипак йигирув тажриба фабрикасининг катта мастери.

Бабенко Раиса Евдокимовна— Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи.

Баҳодирова Солиҳа — Тошкентдаги «Ташгиғушка» фабрикасининг ўйинчоқ йиғувчиси.

Вафина Екатерина Семёновна— Тошкент тўқимачилик комбинатининг мастер ёрдамчиси.

Верясева Екатерина Фёдоровна — Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Габдуллина Зувайра Габдуловна— Тошкент тўқимачилик комбинатининг оператори.

Городецкая Зинаида Ивановна— Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси.

Добринина Наталья Васильевна — Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи.

Ибрагимова Серафима Ивановна— Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг ишчиси.

Илҳомова Муҳаббат Собировна— Табиий ипак етиштириш ва қайта ишлаш Марказий илмий-тадқиқот институтига қарашли ипак йигирув тажриба фабрикасининг ишчиси.

Илёсова Наима — Тошкент «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг қўлда гул босувчиси.

Исаев Турсун Мусаевич— Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг ишчиси.

Камолова Галия Холиқовна— Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси.

Камолова Соня Гамзаловна— Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси.

Карапетов Геннадий Артёмевич — Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Каримова Гулчеҳра Муҳамедяновна — Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

Козелькова Лидия Григорьевна— Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Корчина Варвара Михайловна— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг қозонхона машинисти.

Аглиуллина Гулсия Насиповна— Тошкент тўқимачилик комбинатининг цех бошлиғи.

Куришева Людмила Никитична— республика пойафзал модалари Уйининг бош моделчиси.

Лебед Василий Андреевич— Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ремонт қурилиш бошқармасининг дурадгори.

Мансурова Раҳима— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи.

Матюшечкин Михаил Артемьевич— Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари.

Маҳкамова Маврат Атхамовна — Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи.

Мелясанова Перия— республика Кийимлар моделлари уйининг дазмолловчиси.

Муҳиддинов Ҳожимурод Камолович — Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг бўлим мудири ўринбосари.

Никитин Николай Савельевич — Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг смена бошлиғи.

Писчало Леонид Захарович — Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси.

Посельяева Валентина Николаевна— Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош рассом-моделчиси.

Провоторова Мария Сергеевна — Тошкент чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг чарм-галантерея буюмлари тикувчиси.

Прокопенко Виолетта Павловна — Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги Марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюросининг етакчи конструктори.

Ражабов Карим Турсунович— Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси.

Раҳимов Аҳмаджон Маҳамадалиевич — Тошкентдаги «Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

Ризаев Абдулла Қосимович— Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлиги Марказий лойиҳа-конструкторлик бюросининг бошлиғи.

Рустамов Ботир Машкурович — Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги Марказий лойиҳа-конструкторлик ва технология бюросининг етакчи конструктори.

Солихова Қумри Обидовна— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи.

Сальникова Надежда Николаевна— Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси.

Самандаров Симхай Ариевич —Пахта тозалаш саноати Марказий илмий-тадқиқот институтининг лаборатория раҳбари.

Саҳжанова Галия —Охунбобоев номидаги Тошкент бош кийимлар фабрикасининг тўқувчи-мотористи.

Скопинцев Вячеслав Иванович— Тошкент тўқимачилик комбинати мастер ёрдамчиси.

Тен Людмила Николаевна —Тошкентдаги чарм-галантерея ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлим бошлиғи.

Тўйчиева Раъно Болтаевна — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Тошкент подшипниклар ремонти заводи коллективи дала техникасида қўлланиладиган турли хил подшипникларни тайёрлаб жўнатмоқда. Юқоридаги суратда силлиқлаш-йиғиш участкасининг илғор сараловчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Зинаида Ҳолиқова акс этган. У тайёр маҳсулотни саралаб жўнатишга ҳозирламоқда.

* * *

«Геологоразведка» заводи коллективи мижозларнинг буюртмаларини шараф билан адо этмоқда. Айниқса, ПОУ—6 маркали мосламага бўлган талаб ортиб бораяпти. Бу агрегатёрдамида нодир маъданлар бошқа жисмлардан ажратиб олиниб, ювилгач сараланади.

Пастдаги суратда ана шундай мосламаларни тайёрлайдиган капитал ремонт цехи бошлиғи Эркин Раҳимов (чапда) ва техника назорати бўлими назоратчиси Сандумар Қосимхўжаев тайёрланган маҳсулотни кўздан кечиришяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

ПРИЦЕПНИНГ ЯНГИ «ҚАСБИ»

Пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеп иккинчи «касбга» эга бўлди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий тадқиқот институтининг мутахассислари запорожьелик конструкторлар билан ҳамкорликда яратган алмаштириладиган кузов прицепдан далага минерал ўғит солиш учун фойдаланиш имконини беради. Янги кузов ўғит сочадиган механизм билан таъминланган. Ана шу кузов ёрдами билан бир соатда 3,2 тонна ўғит солиш мумкин. Бу эса кўплаб ишлаб чиқарилаётган агрегат ерга соладиган ўғит миқдоридан бир тонна кўпдир. Шу билан бирга ишнинг юқори сифатли бўлишига эришилмоқда.

Янги прицеп Ўрта Осиё машина синаш станциясида «нмтиҳон»дан муваффақиятли ўтди ва кўплаб ишлаб чиқариш учун тавсия этилди.

(ЎзТАГ).

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«БУ ҚАНАҚАСИ?»

Автобусдан фойдаланиш қондасини бузган шофер ҳақидаги материал шу сарлавҳа остида босилган эди. 87-э маршрут бўйлаб қатнайдиган 42-88 номерли бу автобус 7-таксопаркка қарашли.

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасидан олинган жавобда бу масала комиссия томонидан кўрилгани маълум қилинди. Мақола ҳайдовчилар йиғилишида муҳокама этилди. Автобусдан фойдаланиш қондасини бузгани, билет сотишга ўсмирларни жалб қилгани учун ҳайдовчи Пўлатов бригадани бошқариш вазифасидан олиниб, унга виговор берилди. Маршрут ишини назорат остига олиш 3-автоколонна бошлиғи зиммасига юклатилди.

«БИР КЎЧАДА 32 ЧУҚУР»

Шу сарлавҳали материалда Киров районидаги Киев, Т. Жалилов, Абу Али ибн Сино кўчаларининг қаровсизлиги танқид қилинган эди.

Район ободонлаштириш бошқармасидан олинган жавобда бу кўчаларни ремонт қилиш ишлари бошлаб юборилгани маълум қилинди.

▲ ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Редакцияга келган хатлардан бирида Тошкент Бош универмагида баъзан савдо қондасига риоя қилинмаётгани кўрсатилган эди.

Хат текшириш учун Бош универмаг маъмуриятига йўлланган эди. У ердан олинган жавобда кўрсатилишича, хат коллектив ўртасида кенг муҳокама этилди. Савдо қондасига қаттиқ риоя қилиш борасида чора-тадбирлар кўрилди. Шунингдек, сиёсий-тарбиявий ишлар кучайтирилиб, бўлимлар иши устидан доимий назоратни мунтазам равишда олиб бориш савдо инспекторларига яна бир марта таъкидлаб кўрсатилди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОВЕТ ИТТИФОҚИ БУЮРТМАСИ

БУДАПЕШТ. «Холгеп» қишлоқ хўжалик машиналари заводи нўхат ўрадиган комбайнларнинг биринчи туркумини Совет Иттифоқига жўнатди. Янги комбайнлар бир соатда 40 центнер нўхат ўриб ва янчиб бериш қувватига эга. Бу эса илгари ишлаб чиқарилган агрегатларнинг қувватига нисбатан икки баравар кўпдир.

Бу йил завод СССРга 80 та ана шундай серунум машиналар етказиб беради.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида

ҚОБУЛ. Мамлакатдаги энг катта олий ўқув юрти бўлган Қобул университетида унутилмас воқеа рўй берди. Ўқитувчи ва илмий ходимлардан 60 дан кўпроқ киши кандидатлик ва докторлик диссертациясини ёқлади. Экономика, ҳуқуқ, адабиёт, фалсафа ва кўпгина бошқа масалаларга бағишланиб, университетнинг илмий кенгашига тақдим этилган ишлар ҳозирги афғон жамияти олдида турган энг хилма-хил проблемаларга таллуқли эди.

АДР Олий ва ўрта махсус таълим министри Гольдад илмий даражалар бериш маросимида нутқ сўзлаб, мамлакат олимларини ўз ватанига садоқат билан хизмат қилишга, бутун кучларини афғон халқи равнақи учун, навқирон республикани ривожлантириш учун сарфлашга даъват этди.

ҚОҲИРА. Миср экономикасининг танглиги ва ишсизлик мисрликларни ўз ватанини тарк этиб, иш қидириб чет элларга кетишга мажбур этмоқда. МЕН агентлигининг хабар беришича, ўтган йилнинг ўзидагина малакали мутахассислар ва ишчилардан қарийб 120 минг киши мамлакатдан чиқиб кетган. Расмий маълумотларга кўра, Миср гражданларидан салкам 3,5 миллион киши чет элларда ишламоқда.

ТРИПОЛИ. Яқин вақтларгача Шимолий Африканинг кўпгина хариталарида кўзга ташланмаган Марса Эл-Брега шаҳри Ливиянинг энг муҳим саноат марказларидан бири бўлиб қолди. Ўрта денгиз соҳилида жойлашган бу шаҳар эндиликда «нефть дарвозаси» ҳисобланади. Жаҳондаги ўнлаб давлатларнинг танкерлари бу ерга келиб турибди. «Қора олтин» конларига бой бўлган саҳро орқали ўтган жуда кўп нефть ва газ қувурлари денгиз соҳилидаги шу районга етиб келган.

Марса Эл-Брега шаҳрида нефтни қайта ишлайдиган катта комплекс қурилмоқда, мамлакатда энг йирик газ омбори барпо этилмоқда. Шаҳарда нефть химияси техникуми очилди, ўнлаб мактаблар, касалхоналар қурилди.

ҚУВАЙТ. Ҳозирги вақтда Баҳрайн аҳолисининг сони 358.857 кишига етди, уларнинг 32 процентидан кўпроғи Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа мамлакатлардан келган муҳожирлардир.

Мамлакат тарихида олтинчи марта ўтказилган аҳоли рўйхати натижаларига мувофиқ, эркаклар 58,6 процентни ташкил этади.

ИСЛОМОБОД. Покистонда ишланадиган жамики ерларнинг қарийб 80 проценти, деб ёзади «Муслим» газетаси, йирик помещикларга қарашлидир. Бу табақа феодал ўтмиш одатлари ва анъаналарига мувофиқ яшаб, мамлакат қишлоқ хўжалигини юксалтиришдан манфаатдор эмас. Покистон ҳукмрон режимининг аграр сиёсати, деб уқтириб ўтади газета, фақат йирик заминдорларгагина наф келтиради. «Муслим» газетаси қишлоқда ер ислоҳоти ўтказиш ва феодал сарқитларни тугатиш ғоят зарур тадбир эканлигини, бу тадбир амалга оширилмаса, мамлакат ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмаслигини таъкидлайди.

ҚОҲИРА. Исроилда чиқадиган «Жерузалем пост» газетаси келтирган маълумотларга кўра, 1980 йилда Исроилда қарийб 250 мингга яқин ҳар хил жиноятлар содир бўлганлиги қайд қилинган. Исроил полицияси бу жиноятларнинг фақат тўртдан биринигина очиб ташлашга эришган.

Энг оғир жиноятларнинг тинмай кўпайиб бораётганлиги, деб ёзади газета, жамоатчиликни жиддий ташвишга солмоқда. Масалан, 1980 йилда ҳуқуқ-тартиботни бузувчиларнинг умумий сони шундан аввалги йилдагига нисбатан 7 процент кўпайган бўлса, ғиргилик шу давр ичида 50 процент, қотиллик эса 40 процент ўсган.

Исроил маъмурлари жиноятчиликнинг кўпайиш сабабларини таҳлил қилиб, мамлакатда тобора ёмонлашиб бораётган иқтисодий аҳвол ана шу жиноятларнинг асосий эканлигини тан олишга мажбур бўлди.

ҲИНДИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ДЕҲЛИ. Бу ерда кўз касалликларини даволаш соҳасида Совет медиклари билан Ҳиндистон медиклари ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида 1981—1982 йилларга мўлжалланган битим имзоланди. Бу битим икки мамлакат офтальмологлари ўртасидаги алоқалар анча кенгайтирилишини кўзда тутади. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, ҳиндистонлик мутахассислар кўз касалликларини жарроҳлик йўли билан даволаш борасида совет олимлари ишлаб чиққан янги методларга айниқса зўр қизиқиш билан қарамоқдалар.

ДЕҲЛИ. Бхилаи ва Бокарода Совет Иттифоқининг техникавий ва иқтисодий ёрдами билан қурилган давлат металлургия заводлари Ҳиндистон экономикасининг давлат секторини ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. «Ҳиндустан таймс» газетасининг хабар қилишича, кейинги уч йил ичида мамлакатнинг турли районларида шу заводлар учун контроль ўлчов аппаратлари ва асбобларини ишлаб чиқарадиган 652 корхона барпо этилган. Бу корхоналар ўз навбатида зарур ускуна, материал ва хом ашёни база корхоналаридан олиб туради. Чоғроқ саноат объектларини қуриш қўшимча иш ўринларини ҳозирлаш ҳамда малакали мутахассислар тайёрлаш борасидаги муҳим вазифанинг ҳал этилишига имкон беради.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистонда 1980-81 молия йили мобайнида алюминий ишлаб чиқариш 8 минг тонна кўпайди. Пўлат ва шахталар министрлигининг расмий маълумотларига кўра, шу давр ичида мамлакатда жами 200 минг тонна металл ишлаб чиқарилган.

Шу билан бирга министрликнинг докладида айтилишича, алюминий саноати муайян қийинчиликларга дуч келиб турибди. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари асосан электр энергияси тақчиллигидан ҳамон тўла ишга солинмаяпти. Ҳукумат вужудга келган аҳволни тузатиш борасида бир қанча тадбирларни ишлаб чиқди. Жумладан, Ҳиндистонни социал-иқтисодий ривожлантириш олтинчи беш йиллик планида алюминий саноатининг эҳтиёжларига ажратиладиган маблағлар 7,8 миллион рупия кўпайтирилди.

ДЕҲЛИ. «Ҳиндистон экспресс» газетасининг хабар қилишича, Ҳиндистоннинг турли районларидаги медицина пунктларининг сони 40 мингтадан ошиб кетган. Бу пунктларда аҳолига биринчи ёрдам кўрсатилишидан ташқари медицина билимларини, санитария ва гигиена қоидаларини пропаганда қилиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Шу олтинчи беш йилликда (1980—1985 йиллар) қишлоқ жойларда шундай муассасалар сони икки баравар кўпаяди. Беш йил ичида соғлиқни сақлаш ишларига 28 миллиард рупия сарфлаш мўлжалланади.

ДЕҲЛИ. Яқин йиллар ичида Ҳиндистоннинг социал-иқтисодий жиҳатдан қолоқ районларида илмий билим тарқатиш марказлари очишга қарор қилинди. Бу марказлар олдига аҳолини маърифатли қилиш, фан ва техника ютуқларини практикага жорий этиш борасидаги ишларни активлаштириш вазифаси қўйилди. Шу йил Ғарбий Бенгалия, Нагаленд, Тамилнаду, Карнатака ва Гужорот штатларида дастлабки шундай марказлар очилади.

ДЕҲЛИ. Гужарот штатидаги Бхавнагар шаҳрида ҳиндистонлик мутахассислар ясаган совитиш установкаси энергия манбаи сифатида қуёш нуридан фойдаланади. Камеранинг ҳажми унда бир тоннагача маҳсулот сақлашга имкон беради.

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг 40 тадан кўп тадқиқот муассасалари ва конструкторлик бюролари қуёш энергиясидан фойдаланиш турли йўлларини ишлаб чиқиш билан банддирлар. Дон қуритишда, қуруқ сут тайёрлашда, сув тозалашда ва бошқа ишларда ишлатиладиган установкаларда қуёш нуридан муваффақият билан фойдаланилмоқда. Мадрас шаҳрида эса мамлакатда биринчи қуёш электр станцияси ишлаб турибди. Яқин икки-уч йил ичида мамлакат корхоналари қуёш энергиясидан фойдаланиб ишлайдиган турли рўзғор агрегатларини кўплаб ишлаб чиқара бошлаши кутилмоқда.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ЭКСПЕРИМЕНТ

АДДИС-АБ Е Б А. Эрозия таъсирига берилган тупроқни қишлоқ хўжалиги жиҳатидан ўзлаштириш юзасидан олиб борилаётган экспериментни Эфиопиянинг Волло вилоятида муваффақиятли равишда ўтмоқда. Деҳқонлар далаларни ишлашнинг замонавий методларни қўллаш, ўғитлардан кенг фойдаланиш туфайли 38 минг гектар майдондан бир неча йил мобайнида барқарор ҳосил олиб келмоқдалар.

Эксперимент натижасида тўпланган тажрибадан қурғоқчилик тез-тез рўй бериб турганлиги сабабли тупроқ кучли нураётган мамлакатнинг бошқа областларида ҳам фойдаланилади.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида сут таомлари ошхонаси очилди. Пойтахт областида бундай ошхоналар тармоғи муттасил кўпаймоқда. Шу беш йилликда Ғалаба, Чиноз, Оҳангарон, Паркент ва бошқа районлар қишлоқларида ҳам ошхоналар ташкил этилади.

* * *

Навоийдаги юзлаб ёш қурувчилар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ғишт терувчилар бригадири Иван Федорович Марочкинни ўз мураббийлари деб аташади. Иван Федорович Навоий қурилиш бошқармасининг ўқув базаси — 88-давлат қурилиш ҳунартехника билим юрти талабаларига ўзининг бой тажрибасини саҳийлик билан ўргатмоқда. Бригадирлар, Ленин ордени кавалерлари — КПСС XXVI съезди делегати Галина Евсеевна Подворчан билан Николай Семенович Федосовлар билим юртига тез-тез келиб туришади. Донгдор қурувчилар шарафига улар номидаги стипендиялар таъсис этилган. Бу стипендияларни меҳнат қаҳрамонлари бошчилик қилаётган коллективларда ишлаб чиқариш практикасини ўтадиган алоҳида ўқувчиларга топширишди.

(ЎзТАГ).

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

МОҲИР ШИФОКОРЛАР

Оқ халатли шифокорлар меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш йўлида фидокорлик, сидқидиллик ва жонкуярлик билан меҳнат қилишади. Беморларга ширин муомала қилиш ҳар бир шифокорнинг шарафли бурчидир. Акмал Икромов районидаги 30-поликлиникаси ахли коллективида ўз касбини севган шифокорлар ишлашади.

— Бизда беморларни даволаш янги усуллар билан олиб борилади, дейди бош врач Файзулла Умиджонов. — Бунинг учун поликлиникамизда ҳамма шароитлар, энг замонавий медицина асбоб-ускуналари бор.

Суратда: (чапдан) шу поликлиника бош врачи Ф. Умиджонов медицина ҳамшираси Л. Полушина, ВКК бўйича бош врач ёрдамчиси Ф. Хайбуллина ва рентген кабинети врачи Н. Худяковалар навбатдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

И. Шоноғомов фотоси.

КЎЗНИНГ НОЗИК СИРЛАРИ

Кичик ва нозик бўлган кўз ҳам асосан қон томирлардан ташкил топган. Кўз шифокорларининг текширишлари шундай бир фактни аниқлаб бердики, унинг устида тўхтаб ўтиш зарур. Сўнгги йилларда кўрликка ва ёмон кўришга олиб келадиган сабабларнинг асосий қисмини кўзнинг қон томир касалликлари ташкил этаяпти. Шунинг учун СССР Медицина фанлари академиясининг офтальмология бўйича илмий совети «Кўз қон томирларининг касалликлари» деб номланувчи проблема комиссиясини тузишга қарор қилди. Ушбу проблема комиссиясининг асосий вазифаси кўз қон томирларининг касалликларини бошланғич даврларидаёқ аниқлаш, даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш, кузатилган ижобий натижаларни шифокорлар тажрибасига тезлик билан тарқатишдир.

Ҳозир кўз қон томирларининг касалликлари бўйича иш олиб бораётган кўз касалликлари илмий текшириш институтлари, клиникалари ва кафедраларининг сони 18 га етди. Улар махсус қабул қилинган программа ва план асосида иш юритмоқдалар, қўлга киритаётган ютуқларни амалий ишга кенг тадбиқ этаяптилар. Масалан, Бутуниттифоқ кўз касалликлари илмий текшириш институти, Гельмгольц номли Москва кўз касалликлари илмий текшириш институти, академик Филатов номли Одесса кўз касалликлари илмий текшириш институти, Қозоғистон кўз касалликлари илмий текшириш институтининг олимлари ва шифокорлари кўзнинг қон томирларида учрайдиган турли хасталикларни даволашда анча самарали натижаларга эришдилар.

Кўз қон томирларининг касалликларини аниқлаш, даволаш ва унинг олдини олиш учун ҳамма касбдаги шифокорлар, химиклар, физиклар, инженерлар ва бошқа мутахассислар иштирок этишяпти.

Кўз шифокорларининг хулосаси алоҳида аҳамиятга эга. Чунки улар тирик одамнинг қон томирларини кўриб, ундаги ўзгаришларни айтиб бера оладилар. Бекорга кўзни организмнинг ойнаси деб аташмайди. Бунинг боиси шундаки, кўзнинг тўр пардасидаги қон томирлар бош мия томирлари билан бевосита боғланган. Кўз қон томирларидаги ўзгариш каби белгилар миянинг қон томирларида, ички аъзоларнинг қон томирларида ҳам учраши кузатилади. Шунинг учун гипертония ва атеросклероз билан хасталанган беморларни кўз врачлари текшириб, ўз хулосаларини даволовчи врачлар — терапевт, невропатолога билдиришади.

Кўз қон томирларининг касалликлари кўпинча гипертония, атеросклероз, қанд касаллиги, буйрак хасталиклари туфайли пайдо бўлади. Айрим беморлар кўрув аъзоларидан шикоят қилишмайди. Бошқа беморларда эса тўсатдан кўриш ёмонлашиб, текшириб кўрилганда қон томирларнинг торайиши, қисилиши, деворларининг кескин ўзгарганлиги топилади. Натижада тўр парданинг новик хўжайралари ва кўриш нервининг толлари озуқа ололмай, кўришнинг ёмонлашувига сабабчи бўлишади.

Кўз қон томирларининг касалликларини текшириш учун замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиш яхши натижалар бераяпти. Кўз шифокорлари йиллан-йилга янги текширув усулларини қўллаяптилар. Кўз олмасининг шиллиқ пардасида жойлашган майда қон томирчаларни биомикроскоп ёрдамида текшириш мумкин.

Кўриш қобилиятини текширишда янги электрофизиологик усуллар қўлланилаяпти. Булардан ташқари экспериментда ҳайвонлар кўзининг қон томирлари электрон микроскоп ёрдамида текширилиб, ўрганиляпти. Айрим кўз қон томирларининг касалликларида модда алмашинувини текшириш заруриятининг олим ва шифокорлари кўз қон томирларининг касалликларини тез ва тўғри аниқлаш, даволаш учун кибернетика усулари ва электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланмоқдалар.

Кўз қон томирларининг касалликларини аниқлаш, ўрганиш ва даволаш учун кўзни текширувчи аппаратлар, асбоб-ускуналар ва замонавий дори-дармонлар ишлаб чиқарилиши керак. Шу сабабли офтальмологлар бошқа касбдаги мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим. СССР Фанлар академиясининг химия физикаси, кардиология, эндокринология ва гормонлар химияси институтлари ҳамда Бутуниттифоқ «Светотехника» илмий текшириш институтининг ходимлари кўз врачлари билан ҳамкорликда ўз илмий ишларини давом эттиряптилар.

Шундай қилиб, кўз қон томирларининг касалликларини аниқлаш, даволаш ва унинг олдини олиш учун ҳамма касбдаги шифокорлар, химиклар, физиклар, инженерлар ва бошқа мутахассислар иштирок этишяпти.

Кўз шифокорларининг хулосаси алоҳида аҳамиятга эга. Чунки улар тирик одамнинг қон томирларини кўриб, ундаги ўзгаришларни айтиб бера оладилар. Бекорга кўзни организмнинг ойнаси деб аташмайди. Бунинг боиси шундаки, кўзнинг тўр пардасидаги қон томирлар бош мия томирлари билан бевосита боғланган. Кўз қон томирларидаги ўзгариш каби белгилар миянинг қон томирларида, ички аъзоларнинг қон томирларида ҳам учраши кузатилади. Шунинг учун гипертония ва атеросклероз билан хасталанган беморларни кўз врачлари текшириб, ўз хулосаларини даволовчи врачлар — терапевт, невропатолога билдиришади.

Кўз қон томирларининг касалликларида юрак, бош мия ва буйракнинг ҳолатини ўрганиш, уларни бир-бири билан солиштириб, ўхшашликни топиш йўлида бажаришлари ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки кўз қон томирлари орасидаги ўхшашликка асосланиб, организмни даволаш мобайнида кўзнинг қон томирлари асосий мезон бўлиб қолади. Уларнинг ҳолатига қараб, даволашнинг фойдаси қандай даражада бораётганлигини, дориларнинг турини ўзгартириш ёки ўзгартирмаслик ҳақида аниқ хулосага келиш мумкин бўлар эди.

Сўнгги йилларда буйракдан олинган тўқималар ва кўзнинг флюоресцеинли суратларини солиштириш ва таққослаш касалликда учрайдиган кўзга илгамас маълумотларни равшанлаштириб бераяпти. Кўз қон томирларининг касалликларини аниқлаш, айниқса, тўр парда инфарктигача учрайдиган ҳолатларни белгилаш, кўз қон томирларида босимнинг тез кўтарилиши оқибатида рўй берадиган ўзгаришларни текшириш учун ультратовуш диагностикасидан, ангиография ва реоофтальмографія методларидан фойдаланиш керак. Кўзни текшириш натижаларини умумлаштириш ва аниқ баҳолаш учун кўз қон томирларининг касалликларида модда алмашинувини текшириш заруриятининг олим ва шифокорлари кўз қон томирларининг касалликларини тез ва тўғри аниқлаш, даволаш учун кибернетика усулари ва электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланмоқдалар.

Кўз қон томирларининг касалликлари бўйича иш олиб бораётган кўз касалликлари илмий текшириш институтлари, клиникалари ва кафедраларининг сони 18 га етди. Улар махсус қабул қилинган программа ва план асосида иш юритмоқдалар, қўлга киритаётган ютуқларни амалий ишга кенг тадбиқ этаяптилар. Масалан, Бутуниттифоқ кўз касалликлари илмий текшириш институти, Гельмгольц номли Москва кўз касалликлари илмий текшириш институти, академик Филатов номли Одесса кўз касалликлари илмий текшириш институти, Қозоғистон кўз касалликлари илмий текшириш институтининг олимлари ва шифокорлари кўзнинг қон томирларида учрайдиган турли хасталикларни даволашда анча самарали натижаларга эришдилар.

Кўз қон томирларининг касалликларини аниқлаш, даволаш ва унинг олдини олиш учун ҳамма касбдаги шифокорлар, химиклар, физиклар, инженерлар ва бошқа мутахассислар иштирок этишяпти.

Кўриш қобилиятини текширишда янги электрофизиологик усуллар қўлланилаяпти. Булардан ташқари экспериментда ҳайвонлар кўзининг қон томирлари электрон микроскоп ёрдамида текширилиб, ўрганиляпти. Айрим кўз қон томирларининг касалликларида модда алмашинувини текшириш заруриятининг олим ва шифокорлари кўз қон томирларининг касалликларини тез ва тўғри аниқлаш, даволаш учун кибернетика усулари ва электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланмоқдалар.

Кўз қон томирларининг касалликлари бўйича иш олиб бораётган кўз касалликлари илмий текшириш институтлари, клиникалари ва кафедраларининг сони 18 га етди. Улар махсус қабул қилинган программа ва план асосида иш юритмоқдалар, қўлга киритаётган ютуқларни амалий ишга кенг тадбиқ этаяптилар. Масалан, Бутуниттифоқ

САНЪАТ МАСКАНЛАРИ БЎЙЛАБ

Концерт залларида

СЕҲРЛИ ОҲАНГЛАР, ДИЛРАБО ҚЎШИҚЛАР

Май ойи давомида республикамиз концерт заллари одатдагидан анча гавжум бўлади. Бир қатор чет эл ва совет қўшиқчилари ҳамда созандалари ўлкамизда меҳмон бўлади. Ана шу ҳақда республика гастроль-концерт ташкилоти— «Ўзбекконцерт» директори ўринбосари М. М. ҚОРИЕВ шундай ҳикоя қилади:

— Бу ойда санъат мухлислари кўпгина таниқли қўшиқчиларнинг концертларини тинглашга муваффақ бўладилар. РСФСРда хизмат кўрсатган артист Людмила Сенчинанинг номи эстрада ихлосмандларига яхши таниш. Санъаткор республикамизда меҳмон бўлиб, шаҳримизда, Бухоро, Самарқанд сингари область марказларида қўшиқлар ижро этади. Француз хонандаси Колетт Ренар гастроллари ҳам кўпчилик эътиборини жалб этиши турган гап. У 13 майдан бошлаб беш кун давомида концерт беради. Республикамизнинг «Ялла», «Наво», «Садо», «Ҳайтарма», «Каяғим» сингари ансамбллари эса май ойи давомида республикамиз областларида гастролда бўлади. Гастроль давомида бу коллективлар янги программадаги қўшиқ ва куйларни санъат мухлислари эътиборига ҳавола қилади.

Классик ва камер музикаси ишқибозлари ҳам иттифоқимизнинг таниқли ижрочилари концертларини тинглашга муваффақ бўладилар. Таниқли қўшиқчи, Латвия ССРда хизмат кўрсатган артист Л. Дайненинг чиқишлари бунга мисол бўла олади. У классик музиканинг энг яхши намуналарини ижро этади. РСФСРда хизмат кўрсатган артист, моҳир пианино ижрочиси А. Наседкин ҳам шаҳримизда меҳмон бўлади. У бастакор С. Прокофьев ижоди билан тингловчиларни яқиндан таништиради. Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Мария Чайковская ижросидаги Бах, Бетховен, Равель асарлари ижроси ҳам тингловчиларни қувонтириши шубҳасиз.

Ўзбекистонда ўтадиган Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларига ҳам қизғин тайёргарлик бормоқда. Республикамизда Тожикистон ССРнинг машҳур санъат усталари, таниқли коллективлари меҳмон бўлади. «Лола», «Зебо» рақс коллективлари, «Гулшан» вокаль-чолғу ансамбли шулар жумласиндир.

СУРАТЛАРДА: рус ёш томошабинлар театрининг «Қизил яйловдаги кўк тулпорлар», оперетта театрининг «Пенелопа», Муқимий номидаги музикали театрнинг «Гулсара» спектакларидан кўринишлар.

С. Каган фотолари.

✦ МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИДА

«ТОНГ» ОРКЕСТРИ КОНЦЕРТИ

Ҳунар-техника таълими республика маданият ўйида бир қатор ҳаваскорлик коллективлари муваффақиятли иш олиб боряпти. «Тонг» халқ эстрада оркестри, «Ҳилола» ўзбек ашула ва рақс ансамбли сингари коллективлар бунга мисол бўла олади. Улар ижросидаги концертлар ҳамиша катта қизиқиш билан кутиб олинади. Яқинда 9-ҳунар-техника билим юртида, Тошкент область ҳунар-техника билим юртлари бадиий ҳаваскорлик коллективларин и н г якунловчи кўригида, Тельман номли маданият ва истироҳат боғида берилган концертлар йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

Май ойи давомида маданият уйи ҳаваскорлик коллективлари бир қатор ҳунар-техника билим юртларида, маданият ва истироҳат боғларида ўз маҳоратини намойиш этади.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР

Темирйўлчилар маданият саройида кекса ветеранлар, меҳнат илғорлари билан учрашувлар, ишчи синфига қабул маросимлари ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. Бу ерда майолди мусобақаси голибларини шарафлашга бағишланган тантанали кеча ҳам жуда қизиқарли бўлди. Ленин район партия комитети ташаббуси билан ўтказилган бу кеча «Тинчлик ва баҳор байрами» шиори остида ўтди.

Маданият саройнинг ўзбек ашула ва рақс ҳамда вокаль-чолғу ансамбллари тепловоз депоси, 1, 2-вагон деполарида, «Ўзбекистон» станциясида ва бошқа бир қатор корхоналарда концерт беришни планлаштирган.

ТЕАТРЛАРДА

САҲНАДА— «ТУН ҚИССАСИ»

Республика Давлат «Ёш гвардия» театри ўз мухлисларини яна бир янги спектакль билан мамнун этди. Кш. Хоинский асари асосида саҳналаштирилган премьераси бўлиб ўтди. Ҳамза номидаги академик драма театрининг «Алмандар», республика рус ёш томошабиннлар театрининг «Қизил яйловдаги кўк тулпорлар» сингари спектакллари ҳам томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Республика Давлат бу спектакль «Тун қиссаси» деб аталади. Байрамолди кунларида пойтахтимизнинг бошқа театрларида ҳам бир қатор янги спектаклл р н и н г ги.

ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

БАРДАМЛИК МАНБАИ

Тошкент Давлат университетида 1975 йили спорт кафедраси ташкил этилди. Спорт ишларини ташкил этишга ректорат, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари мунтазам ёрдам бериб келмоқда. Ҳар йили партия комитети ва ўқув Советининг йиғилишларида кафедра олиб бораётган ишлар кўриб чиқиляпти. Иўл қўйилган камчиликларни тугатиш ҳамда университет спортининг ютуқларини очиб бериш лозим бўлган янги, фойдали тадбирлар киритилиб, конкрет тадбирлар белгиланяпти.

Спортнинг бир неча турлари бўйича ҳар йили университет спартакиадасини ўтказиш биринчи курс енгил атлетикачиларнинг беллашуви билан бошланади. Спорт-клубнинг комсомол ташкилоти билан биргаликда доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунга бағишлаб енгил атлетика мусобақалари ташкил этиши ҳам диққатга сазовордир.

Етоқхоналарда студентларнинг систематик равишда ГТО нормативларини топширишга тайёрлаш ишларини кафедра ўқитувчилари, касаба союз комитети вакиллари, махсус комиссия назорат қилиб боряпти. Малакали спортчилар тайёрлашга ҳам диққат билан қаралмоқда. Студентлар мамлакатимизга, жаҳонга таниқли спортчилари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Икки марта Олимпиада чемпиони ва жаҳон чемпиони, хизмат кўрсатган спорт мастери, волейболчи Вера Дуюнова, баскетбол бўйича Европа чемпиони Григорий Авдеев, Москва Олимпиадасининг кумуш совриндори, қиличбоз Собир Рўзиев, классик кураш бўйича СССР чемпионлари Комил Фаткулин, Бахтиёр Омеровлар катта спортга мана шу даргоҳдан йўл олишган. Сўнгги тўрт йил мобайнида университет спортчилари томонидан жаҳон чемпионатининг ўнта олтин, учта кумуш ва тўртта бронза медаллари қўлга киритилганлиги гоят қувончлидир.

— Студентларимиз учун Олимпиада йили муваффақиятли бўлди, — дейди спорт клубнинг раиси, СССР спорт мастери А. Мустафоев. — Улар апрель ойида Тошкентда спортнинг 10 тури бўйича ўтказилган универсиадада яхши натижаларни қўлга киритишди. Ҳеч қайси команда биз билан муносиб рақобатлаша олмади. Шу боисдан ҳам бокс, классик кураш, бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, волейбол ва баскетбол бўйича биринчи ўрин қўлга киритилди.

Университет спорт коллективи СССР ҳалқларининг VII ёзги Спартакиадаси якунларига кўра олий ўқув юртлари ўртасида учинчи ўринни эгаллади. СССР биринчиликларида бир кумуш, уч бронза, халқаро турнирларда эса уч олтин, икки кумуш медаль қўлга киритилди. 47 спортчи республика, 9 киши эса мамлакат терма командалари составидан жой олди.

Ҳозирги кунда курашчилар К. Фаткулин, А. Баранов, А. Геворкян, гимнастикачи О. Отахонов, қиличбоз С. Рўзиев, волейболчилар Е. Петрунина, А. Рогулина, З. Панара, баскетболчи Н. Бузляков, Н. Николотов, В. Филюшкин, Г. Авдеев, А. Жармуҳамедов- ларни ватанимиз, жаҳоннинг миллионлаб спорт ишқибозлари яхши билишади.

Спорт мастери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер, кафедра ўқитувчиси А. Побережский, спорт мастери, катта ўқитувчи М. Жуков, спорт мастери, катта ўқитувчи Х. Мўминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер А. Адисман, спорт мастери, катта ўқитувчи С. Ананьевлар бошқараётган классик кураш, қўл тўпи, бокс, баскетбол секцияларидаги машғулотлар юксак савияда олиб бориляпти.

Ўтган йили уч спортчи халқаро классли спорт мастери унвонига сазовор бўлди. 8 спортчи СССР спорт мастери нормативини, 18 киши эса спорт мастерлигига кандидат нормативини бажарди. 95 биринчи разрядли, 2478 оммавий разрядли спортчи, 600 спорт судьяси тайёрланди. 2136 студент ГТО нишондори бўлди.

Университет спортчиларига 20 йилдан буён Чимён боғида, Чорвоқ сув омбори қирғоғида ёзги соғломлаштириш спорт лагери хизмат кўрсатяпти. Бу лагерларда ҳар йили 600 га яқин студент саломатлигини мустаҳкамламоқда. Келажакда енгил атлетика манежи, тўрт залли спорт корпуси, 10000 томошабин сиғадиган стадион қуриш мўлжалланмоқда. Хуллас университет студентлари фанларни пухта ўзлаштириш билан бирга жисмоний жиҳатдан ҳам камол топиб боряпти.

Д. ХОЛМИРЗАЕВ.

✦ ФАН ВА ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ

МАХСУС ГЕНЕРАТОР

Тарту университетининг олимлари чорвани турли касалликлардан самарали ҳимоя қилиш системасини таклиф этдилар. Бу ерда ясалган электроаэрозол генератор чорва боқилаётган оғилхоналардаги ҳавони тозалайди, дезинфекция ва вакцинация қилади.

Генератор махсус аравачада олиб юриш мумкин бўлган ихчам аппаратдан иборатдир. Дезинфекция қилишда у препаратни тўзғитади ва зарраларини электрлайди, оғилхонанинг девор ва шипини юпқа парда бўлиб қоплайди. Статик хосса туфайли у узоқ вақт ушланиб туради.

Илгари шу ишни қилиш учун оғилхонани намлаб туришга тўғри келарди, бу эса кўп вақтни оларди. Вакцинация қилишда дори ҳавога тўзғитилади ва нафас йўллари орқали чорва организмига ўтади. Фермалардаги синовларнинг кўрсатишича, одатдаги профилактика ва эмлаш усулларига нисбатан дориларнинг таъсир самараси ошади, бундан ташқари препарат оз кетади, чорвадорларнинг меҳнати енгиллашади.

(ТАСС).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/V да **Абу Али ибн Сино**, 7/V да **Ун учинчи раис.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/V да **Тўйдан олдин томоша**, 7/V да **Олифта.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 7-8/V да **«Африка бегемотлари» аттракционининг гастроллари** (19.30).

КИНО

6 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ГЕНЕРАЛ КАРБИЩЕВ» — **Восток.**

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА (1-сон) — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (кичик зал).

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУЮК ИШЛАР БУСАҒАСИДА» — **Чайка** (18.30, 21.00, телефон 77-06-20), **Нукус** (18.30, 21.00, телефон 46-70-69), **Дружба** (18, 20.00, телефон 66-15-75), **Москва** (18.30, 21.00, телефон 33-05-01), **Санъат саройи** (18.20, 20.30, телефон 44-39-51).

«ПЕТРНИНГ ЕШЛИГИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 20.45, телефон 48-47-25), **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30).

«ОМАД УЧУН КИМ ЖАВОБГАР?» — **Дружба** (17, 19, 21.00), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ҚАЛТИС ПОЯГА» —**Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«ЧЕТ ЭЛ ЭМИССАРИ» —**К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда).

8 май соат 15.00да **Тошкент электротехника алоқа институтида Ғалаба куни ва радио кунига бағишлаб**

СПОРТ БАЙРАМИ ЎТКАЗИЛАДИ

Программада — институт спортчиларининг оммавий-спорт чиқишлари, ҳарбий-спортнинг амалий турлари бўйича мусобақа.

Студентлар ижоди виставкаси уюштирилади.

Мактаб ўқувчилари учун институтнинг ўқув ва илмий лабораториялари бўйлаб экскурсиялар уюштирилади.

Ҳамма хоҳловчилар таклиф этилади.

Бизнинг адресимиз: Энгельс кўчаси, 108-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар; 8, 9, 24, 44, 51, 60-автобусларнинг «Ғалаба парки» бекати).

КИРОВ РАЙОНИДАГИ ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ ТАШКИЛОТЛАРИГА

харидорлар талабларини ўрганувчи товаршунослар, экономистлар, кадрлар бўйича катта инспекторлар, зоотехник, катта экономист, катта ревизор, ревизор, катта товаршунос, техника хавфсизлиги бўйича катта инженер, машинистка.

КЕРАК

Справкалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона —аҳолини ишга жойлаштириш бюроси.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитети
31-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981—82 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Билим юртига 15, 16, 17 ёшдаги ва Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитлар қабул қилинади.

Билим юрти темир йўл транспортида ишлаш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайди: тепловоз машинисти. Ўқиш муддати 2 йил (фақат Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар қабул қилинади), стипендия ойига 72 сўм; ҳаракатдаги тепловоз состави ремонти бўйича слесарь. Ўқиш муддати— 1йил. Стипендия 30 сўм. Маълумоти 10 синф ҳажмида бўлиши керак.

8-синф ҳажмида маълумотлилар: тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, ҳаракатдаги тепловоз составв ремонти бўйича слесарь, электровознинг электр қисми ремонти бўйича слесарь-электрик, токарь-револьвершчик, электр-газ пайвандчи. Ўқиш муддати 3 йил.

Таълимнинг 3 йиллик муддатини битирган ўқувчилар ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва мутахассисликни эгаллайдилар.

Билим юртини «аъло» баҳода битирганларга олий ўқув юртларига имтиёзли шароитда кириш ҳуқуқи тавсия қилинади.

3 йиллик ўқиш муддатига кирган ўқувчилар билим юртини битирганларидан кейин Совет Армияси сафларида бир йил муддатга хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ишчилари фойдаланадиган барча имтиёзлардан, шу жумладан Совет Иттифоқининг исталган пунктига етиб бориш учун бепул билет олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (асли), маълумоти тўғрисида ҳужжат, справкалар: турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан характеристика, ариза, автобиография, 8 та фотосурат (3х4 см.), мактабдан медицина картаси (ёки прививка қилинганлиги ҳақида справка).

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри— 74, Ҳамза райони, Слоним кўчаси (15, 23, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати, 8, 21, 48, 80 «э»-автобусларнинг «Котельная» бекати). Маълумотлар олиш учун телефон 96-34-90.

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ
11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981 — 82 ЎҚУВ ИЛИЛ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртига қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ёритиш тармоқлари бўйича электр монтажчилар, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналар бўйича электромонтажчилар, электр слесарлар, электргаз пайвандчилар, иккиламчи халқасимон коммутациялар бўйича электр монтажчилар, контроль-ўлчаш асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильм текшириш ишларини бажара оладиган), радиотелевизион аппаратларга хизмат қилиш ва ремонти бўйича радиомеханик (фақат 10 синф ҳажмда маълумотлилар).

Ўқиш муддати— 1—2—3 йил.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

8—10-синф ҳажмда маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар 3 йил ўқийдилар ва тўлиқ ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва касб эгаллайдилар. Улар кунда 3 маҳал овқат ва кийим-кечак билан таъминланадилар: 10 синф ҳажмда маълумот билан ўқишга кирганларга (киномеханикдан ташқари) ойига 76 сўм ҳажмида стипендия берилади. Электр монтажчилар группасининг ўқувчилари ишлаб чиқариш практикасини ўтаётган даврларида топган иш ҳақларининг 50 процентини, қолганлар эса — 33 процентини оладилар.

Билим юртида эшкак эшиш ва бокс бўйича ихтисослаштирилган спорт группалари тузилмоқда.

Совет Армияси сафидан запасга бўшатилиб электр монтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирган ёшларга ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш муддати қисқартирилган—10 синф ҳажмида маълумотлилар —7,5 ой, 8-синф ҳажмда маълумотлилар эса — 10 ярим ой ўқийдилар.

МАШҒУЛОТЛАР —ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини тамомлаганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳода тамомлаганлар ўқишни давом эттириш учун ўрта ёки олий ўқув юртларига ўқишга юборилади. Уларнинг корхоналарда ишлашлари шарт эмас.

Билим юртида яхшигина спорт базаси бор, спортнинг 14 та секцияси ишлаб турибди. Техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, автобиография, характеристика, маълумоти тўғрисида шаҳодатнома, медицина, турар жойидан справкалар; 4 та фотосурат (3 х 4 см. ҳажмда).

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ҳарбий билет) шахсан кўрсатилади. Аризалар соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 18, 33, 34, 45, 54, 58, 66, 70, 79-автобуслар; 4, 7, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
158-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981 — 82 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БУЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ: БУЕҚЧИ-ҚУРУВЧИ, ДУРАДГОР ҚУРУВЧИ, ўқиш муддати 3 йил; ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛОВЧИ, БАДИЙ БЕЗАТИШ БУЕҚЧИСИ, СУВОҚЧИ-КОШИНЛОВЧИ, ДУРАДГОР-ПАРКЕТЧИ, ўқиш муддати —1-3 йил.

15 ва ундан катта ёшли 8—10 синф ҳажмида маълумотли ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

10-синфни тугатганлар учун — ўқиш муддати 1 йил. Уларга 45 сўм ҳажмида стипендия берилади, ишлаб чиқариш практикаси давомида ишланган иш ҳақининг 50 процента тўланади. Улар уч маҳал бепул овқат билан таъминланадилар.

8-синфни тугатганлар учун — ўқиш муддати — 3 йил. Улар уч маҳал бепул овқат, формали кийим-бош билан таъминланадилар. Ўрта маълумот оладилар. Ишлаб чиқариш практикасида ишланган иш ҳақининг 50 процента тўланади. Бошқа шаҳарлардан келганлар Тошкент шаҳрида прописка ва ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН ТУГАТГАНЛАР ЎРТА ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КОНКУРСДАН ТАШҚАРИ ЮБОРИЛАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим. директор номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, автобиография, маълумоти тўғрисида ҳужжат, справкалар: турар жойидан, саломатлиги тўғрисида (286-формали); мактабдан характеристика, 6 та фотосурат (3х4 см).

Ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги қайд этилган гувоҳнома ёки ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА (якшанбадан ташқари) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Қоратош кўчаси, 44-уй (64, 65-автобуслар. 2, 6, 7, 1, 4, 8 14-18-троллейбуслар 7, 8, 11, 16-трамвайларнинг «Хадра» майдони бекати).

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

6 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 «Горнчилар, қаердасиз!». 19.00 «КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА!». Волга труба заводи. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 А. Хачатурян. «Спартак» балетидан адажио. 19.40 «Қирқ бешинчи йилнинг қиши ва баҳори». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 1-ва 2-серийлар. 21.30 «Время». 22.05 «М. Блантернинг М. Исаковский шеърларига ёзган қўшиқлари». Фильм-концерт премьераси. 23.05 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Раддия». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 20.40 Л. Бетховен. Фортепьяно ва скрипка ижроси учун 9-соната. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Валя хола ҳикоя қилади». 21.30 «Время». 22.05 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».

Узбекистон телевидениесининг программаси

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ёзувчилар — болаларга». Х. Тўхтабоев. 19.00 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЕТГА. «Ҳар бир корхонага—ёрдамчи хўжалик». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Кинорежиссия почтасидан.» 20.30 «Ахборот». 20.50 Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бобомурод Ҳамдамов куйлайди. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Пилла — бойлигимиз». 22.20 М. Богучаров. «Беозор қариялар». Телеспектакль. 1-қисм. 23.35 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 «Брест қалъаси болалари». Ҳужжатли телефильм (рус.). 19.10 Реклама. 19.30 «Ҳалқ қалбида». «Жанговар шонушуҳрат йўллари бўйлаб» Телефильмлар. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Пойтахтимиз чирой очмоқда» (рус). 20.50 Абитуриентлар учун. Физика. 21.50 Ғалаба кунига. «У ерда, фронт ортида». Ҳужжатли фильм (рус).

7 МАЙ— ПАЙШАНБА

РАДИО КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.35 Обухово мудофаасининг 80 йиллигига. «Исёнкор застава». Бадиий фильм. 12.00 «Радио —революцияга» Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Енгилмас ва афсонавий». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 4-фильм. «Ватан осмони посбонлигида». Мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа. қўшинлари ҳақида. 16.15 «Рус тили». 16.45 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ички қўшинлар генерал-майори А. П. Косицин билан учрашуви. 17.30 «Ўсмирлар симфонияси» Ж. Бизе музикаси асосида фильм-балет.

18.00 Бокс бўйича Европа чемпионати. 1/4 финал. Финляндиядан олиб кўрсатилади. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономиканг бошқариш». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Радио кунига. «Фан оламида». 20.00 П. И. Чайковский романсларини СССР халқ артисти И. Архипова ижро этади. 20.30 «Қирқ бешинчи йилнинг қиши ва баҳори». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Театр учрашувлари». 23.45 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг учинчи программаси

9.00 Кўрсатувлар программаси. 9.05 «Онамларнинг мактаби». 9.35 ва 10.35 Музика. 4-синф. 10.05 Ҳунар-техника таълими билим юртларининг талабаларига. Астрономия. Галактикалар. 11.05 Француз тили. 11.35 «Бил ва ўрганда». Ёш техниклар учун кўрсатув. 12.20 ва 17.30 Зоология. 7-синф. 12.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун олий математика. 2-курс. 14.00 «Ғалаба дастхатлари». 14.45 Тайёрлов бўлимларининг тингловчиларига. Математика. 15.15 «Эркаклар учун алла». Бадиий фильм. Субтитр билан.

Ўқитувчи экрани

16.25 Жамиятшунослик. 10-синф. КПСС —ишчилар синфи, бутун совет халқининг партияси. 16.55 В. Шекспир. «Гамлет».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Раддия». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 20.45 В. Моцарт. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун соната. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран», 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Трактор» (Челябинск) —МАСК, МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Пучуқлар». Болалар учун фильм-концерт. 18.40 «Ўсмирлар ижоди». Кўрсатув Радио кунига бағишланади. 19.00 Бугун радио куни. «Қоғозсиз ва масофасиз газета» 19.30 «Ахборот» (рус., ўзб.). 20.00 Радио кунига бағишланган концерт. А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан олиб кўрсатилади. 21.30 Москва. «Время» 22.05 М. Богучаров. «Беозор қариялар». Телеспектакль. 2-қисм. 23.20 «Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшоми» газеталарининг совғини учун самбо кураши бўйича Бутуниттифоқ турнири (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувдар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Рикки-тики-тави». 19.00 Ўқитувчилар учун консультация. 19.30 «Ҳаёт наби тирик». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қўшиқ сени излаб топади». Фильм-концерт. 20.45 «Фақат бир кун». Телефильм. (рус.). 21.05 Абитуриентлар учун. Физика. 22.05 Ғалаба кунига. «Улуғ Ватан уруши». Ҳужжатли фильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ АСБОБСОЗЛИК ЗАВОДИГА

электроника бюроси бошлиқлари, техника бўлими бошлиғининг ўринбосари, инженер-конструкторлар, технологлар, технолог-нормировкачилар, таъминот бўлими бошлиғи, капитал қурилиш бўлими ускуналари бўйича инженер, катта мастерлар ва мастерлар (иш ҳақи штатда кўрсатилган жадвал бўйича ва мукофотли);

Токарлар, фрезерчилар, парматовчилар, пардозловчилар, слесарь-йиғувчилар, ремонтчилар, слесарь ва станок ишлари бўйича контролёрлар, электр ускуналарига хизмат қилувчи электромонтёрлар, қурилиш касбидаги ишчилар (иш ҳақи—ишбай-мукофотли).

КЕРАК

Елғизлар ёки Тошкентда пропискаси йўқ кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти.

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати ва жамоат ташкилотлари пахтани дастлабки ишлаш факультети деканининг ўринбосари, доцент М. Тиллаевга рафиқаси

Раҳима ТИЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

6 МАЙ, 1981 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83: совет қурилиши ва ҳуқуқ 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—33-55-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—07119. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64581. Р—2114.